

КЕЛИНГЛАР, ДЎСТ БЎЛАЙЛИК

КАТНАШУВЧИЛАР:

- 1.ҚУЁН
- 2.ТУЛКИНИСО
- 3.ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА
4. АЙИҚ ПОЛВОН
5. ТИПРАТИКОН

БИРИНЧИ САҲНА (биринчи куриниш)

Саҳнада ўрмон манзараси. Қуёнвойни уйи чиройли қилиб безатилган. Лирик мусиқа янграб, Саҳнага Тулкинисо кириб келади. У мусиқа оҳангига монанд ҳаракат қилиб, Қуёнвой уйини ҳар томондан кузата бошлайди.

Секин-аста Қуёнвойни уйига яқинлашиб, деразасига кулоқ тутаяди ва ҳеч қандай овоз эшитилмаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, эшигини ҳам очик ёки ёпиқлигини текшириб эшикни итариб кўради.

ТУЛКИНИСО: Ҳа, менимча Қуёнвой яна уйига камалиб олибди. Кўрамиз қачонгача уйингда камалиб ўтирар экансан (қўлиб). Бир кунмас бир кун олдимдан «лоп» этиб чиқиб қолганингни ўзинг ҳам билмай қоласан...

(Қуёнвойни масҳаралаб куйлай бошлайди)

Қочиб-қочиб бир куни.

Қўлимга ҳам тушарсан.

Шунда кўриб ҳолингни,

Маймунлар ҳам йиғлашар.

Қочиб-қочиб барибир,

Тузоғимга тушарсан.

Шуни билки Қуёнтой ,

Ҳолинг бўлар энди вой.

Тулкинисо кўшиқни куйлаб секин-аста чиқиб кетади.

Уй ичкарасида Қуёнвойни ўз-ўзига чиройли овозда кўшиқ хиргойи қилаётгани эшитилади.

ҚУЁНВОЙ: Ля-ля-ля, ля-ля-ля.,

Тогда усар гул лола.

Ля-ля-ля, ля-ля-ля.

Қизғалдоқнинг маскани,

Билсангиз адир-дала.

Эх- эх-эй, эх-эх-эй,

Уйнанг жушиб шодон-эй

Эх-эх-эй, эх-эх-эй

Дўстлар бўлсин омон-эй

Шу пайт каяққадир учиб кетаётган Шақилдоқ Қарға Қуённи овозини эшитиб, уйча атрофидаги бир дарахтга қўнади ва уни чиройли куйлашига кулоқ солиб, ўзича гапиради.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Кар-кар-кар, Қуёнвой жуда чиройли қўшиқ айтар экан-у. уни қўшиқ айтганини эшитиб, мени ҳам куйлагим келиб кетди.

(Қарға ҳам қўшиқ айта бошлайди)

Кар-кар-кар, кар-кар-кар,

Кишда ёғар опок кор

Кар-кар-кар, кар-кар-кар,

Кишдан сунг келар бахор

Қарға шунака баланд овозда куйлайдики, Қуёнвой деразадан қараб, уни чақирганини ҳам эшитмайди.

=2=

ҚУЁНВОЙ: Ҳей Қарға, намунча бақирмасанг, (Қарға Қуёнвойни гапига парво ҳам қилмайди) Ия нима бало бўлди бунга (баландрок чақира бошлайди) Ҳой, Шақилдоқ Қарға бўлди бас қилсангчи (Қарға уни овозини эшитмай янада баландрок куйлайди)

ҚАРҒА: Кар-кар-кар, кар-кар-кар,

Осмондан куёш бокар,

Кар-кар-кар, кар-кар-кар

Менга пишлоқ ёкар

(Қуён икки қўли билан кулоғини беркитиб, уйчасидан отилиб чиқади. Буни кўрган Шақилдоқ Қарға куйлашдан тўхтади, Қуённи кўриб хурсанд бўлиб кетади ва унга гапиради).

Ҳа, Қуёнвой кушигим сенга ёкдими?

(Қуёнвой қарғани ҳали ҳам куйлаяпти деб уйлаб, кулоғидан қўлини олмай қарғага гапиради)

ҚУЁНВОЙ: Бўлди... бўлди-ей, кулоғимни коматга келтириб юбординг-ку. (қарға уни ёнига учиб келиб)

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Кар-кар-кар, Қуёнвой сени қўшиқ айтганингни кўриб, мени ҳам илхомим келиб кетди. Хоҳласанг Яна куйлаб бераман. (У Яна баланд овозда куйлашни бошлайди) Кар-кар-кар, кар-кар-кар. (Қуён уни зўрға тўхтатади)

ҚУЁНВОЙ: Эй, Қарға бўлди, бўлди етади сенга шунака илхом келибдики ҳатто рақсга тушиб кетгим келаяпти.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: (хурсанд бўлиб) Кар-кар-кар, йуг-ей рақсга ҳам туша оласанми?

ҚУЁНВОЙ: (Ўзича мактаниб бўлмасамчи!

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Қуёнвой кел бўлмаса бир уйнайлик, мен ҳам ўрганиб олардим... кар-кар-кар.

КУЁНВОЙ: Ҳа, майли рақс тушиш бўлса, рақсга тушишда! Кўриб куй Қарға.

Шух мусика янграйди. Куёнвой сакраб-сакраб, чиройли ҳаракатлар билан рақсга тушиб кетади. Шақилдоқ қарға ҳам ўзи билмаган ҳолда рақсга кушилиб кетади. Шу пайт ниманидир кидириб келаётган Типратикон тумшуги билан Куёнвойга урилиб кетади.

КУЁНВОЙ: (уйиндан тўхтаб) Ҳой, Типратикон бунча шошиб қаёққа кетяпсан? Биз билан рақсга тушмайсанми?

ТИПРАТИКОН: (шошилиб) биласанми Куёнвой мени ҳозир вақтим йўқ, жудаям шошиб турибман (шошганича чиқиб кетади).
(Куёнвой уни оркасидан қараб қолади ва бир оз уйланиб ўзича гапирди).

КУЁНВОЙ: (ўзича хурсиниб) Ҳа, Типратиконга, Шақилдоқ Қарғага маза хоҳлаган томонларига бемалол боришади. Менчи? Менга огир, мен уйимни олдидан бир кадам ҳам жилолмайман, сал узоклашдим Тулкинисо дарров изимга тушади.

(Куёнвой Шақилдоқ Қарғага бир нима демокчи бўлиб караса Қарға ҳали ҳам уйинга тушишдан тўхтамаган, Куёнвой уни тўхтатиб)

КУЁНВОЙ: Қарға, ҳой қарға бўлди қилсангчи. Мен сендан бир нарса сурамокчи эдим.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: (уйиндан тўхтаб) Хўш Куёнвой нима демокчисан?

КУЁНВОЙ: (бироз уйланиб). Биласанми Қарға, Тулкинисо ҳар доим мени изимга тушгани-тушган. Қачон карамай изимдан пойлагани пойлаган, мен унга ёмонлик қилмасам. Уни деб факат уйда ўтираман. Маза қилиб уйнай олмайман ҳам. Нима қилсам экан-а, ёки унга дўст бўлишни таклиф қилсаммикан?

(Шақилдоқ Қарға уни гапини эшитиб қаттиқ кўлиб юборади).

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Кар-кар-кар, вой товба қилдим (овозини борича бақира бошлайди). Кар-ар-кар эшитмадим деманглар Куёнвой Тулкинисо билан дўст бўлмокчи эмиш, вой товба қилдим. (Куёнвойга қараб). Нима Тулкинисо билан дўст бўлмокчиман дейсанми? Йўқ у сен билан ҳеч қачон дўст бўлмайди, чунки у жуда ҳам айёр. (Яна овозини баландлатиб) кар-кар-кар вой товба қилдим Тулкинисо Куёнвойга дўст бўлар эмиш.

(Куёнвой уни тўхтатиб)

КУЁНВОЙ: Тўхтасангчи Қарға намуноча қағилладинг. Кел яхшиси бунини бориб уйкучи Айик полвондан сураймиз. Балким таклифим Тулкинисога ёкиш ёкмаслигини айтар.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Ҳа майли, ўзинг биласан. Лекин мен Тулкинисога ишонмайман. У мени алдаб пишлогимни еб куйган.

КУЁНВОЙ: Айб ўзингда, кўшиқни камрок айтиш керак, огзингда пишлок бўлла туриб қандай кўшиқ айтмокчи бўлдинг? Бупти юр Айик полвонни олдида бирга борамиз.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Нима қилай кўшиқ айтишни яхши кураманда
(куйлай бошлайди)

Кар-кар-кар, кар-кар-кар,
Осмондан куёш бокар,
Кар-кар-кар, кар-кар-кар
Менга пишлок ёкар

(Куёнвой билан Шақилдоқ Қарға чиқиб кетишади)

ИККИНЧИ САҲНА (иккинчи куруниш)

Саҳна арча дарахтлари билан безатилган. Уртада катта арча дарахти. У Айиқни уйи хисобланади. Саҳнага Куёнвой билан Шақилдоқ Қарға кириб келишади. Улар Айиқ полвонни уйи олдида тўхташади.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Кар-кар-кар мана Айиқни уйига ҳам етиб келдик.

(Куёнвой у ёк бу ёкни кузатиб айиқни чақира бошлайди)

КУЁНВОЙ: Айиқвой, ҳой Айиқ полвон уйдამисан?
(уйдан ҳеч қандай овоз эшитилмайди).

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: менимча у яна ухлаб ётган бўлса керак. Намунча куп ухлайди бу уйкучи. Ҳали бу киши билан ухласа ҳам уйкуга туймайди (қаттиқрок чақириб) Кар-кар Айиқ полвон, ҳой уйкучи полвон.

КУЁНВОЙ: (Қарғага) Қарға кел иккаламиз бирдай чақирамиз.
(Яна овоз бўлмайди . Болаларни ёрдамга чақирамиз).

ҲАММАЛАРИ БИРГАЛИКДА: Айиқвой турсанг-чи, турақол.
(шунақанги қаттиқ бақирганларидан Айиқ полвон уйғониб ташқарига отилиб чиқади, Куёнвой билан Қарғани курмасдан қаттиқрок бақиради).

АЙИҚ ПОЛВОН: Ким у мени уйимни ларзага солиб бақирган.

КУЁНВОЙ: Бу биз Айиқ полвон
(Айиқ икки ёнида тўрган Куён билан Қарғага қараб)

АЙИҚ ПОЛВОН: Ҳа, сизлармидиларинг, хўш менда нима ишларинг бор эди, факат тезрок гапиринглар уйкум келаяпти.
(Куёнвой Қарғани олдида имлаб чақириб секин гапиради).

КУЁНВОЙ: Биласанми, Қарға Айиқ ухлаб қолмаслиги учун унга яхшилаб рақс тушиб беришимиз керак.

(караса Айиқ полвон тўрган жойида ҳам ухлаб қолмокчи. Буни кўрган Куёнвой лезгинка куйига рақсга тушиб кетади, Қарға ҳам унга жўр бўлади. Айиқ бир сесканиб тушиб уларни рақсини бироз томоша қилади ва яна уйкуси келиб ўтириб олиб ухлай бошлайди.

Куёнвой билан Шақилдоқ Қарға уйинга берилиб кетганидан Айиқ полвонни ухлаб қолганини ҳам сезмай қолишади. Буни кўрган Куёнвой уйиндан тўхтаб Айиқ полвонни тўртиб уйготади.

ҚУЁНВОЙ: Айиқ полвон бир оз ухламай турсангчи, менга сени маслаҳатинг керак.

(Айиқ бир оз тетикланиб)

АЙИҚ ПОЛВОН: Хўш, қулоғим сенда Қуёнвой.

ҚУЁНВОЙ: Ҳалиги мен Тулкинисо билан дўст бўлмоқчи эдим. Шунга сен нима дейсан. Тулкинисо билан дўст бўлсам бўлармикан?

АЙИҚ ПОЛВОН: (бир оз узгариб) Нима, Тулкинисо билан дўст бўлмоқчимисан. Ахир у айёр алдаб сени еб қуяди-ку.

ҚУЁНВОЙ: (аччикланиб) Бўлмаса нима қилишим керак. Қачонгача қувлашмачок уйнаймиз. Сени эса ухлаганинг ухлаган. Бундок ёрдам берай ҳам демайсан.

АЙИҚ ПОЛВОН: (эснаб) Мени жуда уйкум келаяпти. Қуёнвой мен сенга айтдим. Тулкинисога ишониб бўлмайди. Яна ўзинг биласан (эснайди).

(Айиқ полвон уйга кириб кетишга ҳаракат қилади, Қуёнвой ва Шақилдоқ Қарға бунга йул қуйишмайди).

АЙИҚ ПОЛВОН: Буни яхшилаб уйлаб куриш керак.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: (қўлиб) Кар-кар-кар уйла, яхшилаб уйла, Яна уйлаб-уйлаб ухлаб қолмагин.

ҚУЁНВОЙ: Факат тезрок уйлаш керак Айиқ полвон. (Айиқ бир оз уйланиб).

АЙИҚ ПОЛВОН: Бупти, кани бўлмаса уйга кирайлик бемалол ўтириб уйлаймиз.

(Айиқ полвон уйига кириб кетади, оркасидан Қуён ва Қарға ҳам юришади)

УЧИНЧИ КУРИНИШ

Биринчи куринишдаги Саҳна. Қуёнвойни уйчаси. Атрофда ҳеч Ким йўқ, шу пайт секин-аста ҳамма ёкни кузатиб Тулкинисо кириб келади. Қуёнвойни уйчаси очик тўрганини ичкарини куздан кечирази ва Қуёнвойни уйда йўқлигини билиб хурсанд бўлиб кетади.

ТУЛКИНИСО: (қўлиб) Ҳа, ҳа, Қуёнвой айлангани чиқибди шекилли. Энди мендан кутилиб бупти. Хўш, Хўш қаёққа кетди экан? Менимча шу яқин орада бўлиши керак.

(Тулкинисо Қуённи изини топиш учун тумшугини ерга каратиб у ёк бу ёкни хидлай бошлайди. Шу пайт елкасига олма ортиб олган Типратикан кириб келади. Тулкинисо уни кўрмай қолиб Типратиконни нинасига тумшугини санчиб олади. Огрикдан бақириб, ўзини оркага ташлайди. Икки қўли билан тумшугини ушлаганича

ТУЛКИНИСО: Вой дод, вой дод, тумшугим

(Уни бақиригидан чўчиб тушган Типратикон Тулкинисони юпатиш учун ундан узр сурайди).

ТИПРАТИКОН: Узр, минг бор узр. Мен шошиб кетаётган эдим.

ТУЛКИНИСО: (бақириб) Ўзирингни пишириб е, эшитдингми? Агар тиконларинг бўлмаганда сени бир қитиклаб куяр эдим, ҳеч қачон эсингдан чикмас эди.

(Тулкинисо Типратиконни ушламокчи бўлиб кул узатади вaш у захоти қўлини тортиб олади).

ТИПРАТИКОН: Ҳой, ҳой ушламанг усиз ҳам китигим ёмон.
(қўлиб шошганча чиқиб кетади).

ТУЛКИНИСО: (оркасидан бақириб) Барибир ҳам қўлимга тушсанг бир маза қилиб қитиклайман. (ўзига) ўзи нима кидираётган эдим? Ҳа, Қуённи қаёққа кетганлигини билмокчи эдим. Хўш, менимча бу ёққа кетган (ўзига ишонмай) йўқ, бу ёққа кетгандир (у қўли билан бир унг, бир чапни кўрсатади).

(Охири Қуёнвой кетган тарафни кўрсатиб)

ТУЛКИНИСО: нима бўлса бўлар, мен уни шу ёқдан излайман.
(Тулкинисо Қуён кетган томонга уни кидириб чиқиб кетади.)

УЧИНЧИ САҲНА ТЎРТИНЧИ КУРИНИШ

Айикни уйи. Ичкаридан Шақилдоқ Қарғани овози эшитилади.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Ҳой, Айик полвон жудаям Қуёнвойни бошини котириб юбординг-ку. Сен куп гапирмасдан, Тулкинисо Қуёнвойга дўст бўлла оладими ё йўқ шуни гапир.

(Айикни эшиги очилиб уйдан биринчи Қарға учиб чиқади. Оркасидан Қуёнвой ҳам чиқиб келади. Шу пайт Қарға уларни пойлаб келган Тулкинисони кўриб қолади).

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Кар-кар-кар, Қуёнвой қочиб қол Тулкинисо шу ерда.
(у гапини тугатишига ҳам улгурмай, Саҳнага Тулкинисо кириб келади).

ТУЛКИНИСО: А-ҳа энди мендан қочиб кутилиб бупсан.

(Тулки Қуённи кува кетади. Улар арча оралаб бир-бирини кувишади.
Арча тепасида ўтирган Қарға уларни кузатиб Қуёнвойга бақиради).

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Қуёнвой чапга коч, ҳа яхши энди унгга, яна чапга, энди унгга. (Қуёнвойни югуришини кўриб). Ҳей унгга деяпман, унгга, тугрига ҳа яхши.

(Ташкаридаги шовкин-суронни эшитган Айик полвон уйдан чиқиб келади).

АЙИК ПОЛВОН: Ҳой Яна нима туполон, яна нима шовкин. Ухлашга куясизларми?

(Айик уйи атрофида кувишиб юрган Тулкинисо билан Қуёнвойни кўриб)

Яна бўлар дўст бўлар эмиш.

Қуёнвой энди айик полвон атрофида коча бошлайди. Тулкинисо эса уни кувлайди.

ТУЛКИНИСО: Ҳой, Қуёнвой тўхта деяпман. Ушлаб олсам ҳали нақд шурингга шурва туқилади.

Қуёнвой арча атрофига қочиб утади ва айланиб келиб, уртада тўрган Айиқ полвонга урилиб кетмаслик учун эпчиллик билан уни устидан сакраб утади. Кетидан кувиб келган Тулкинисо эса айиққа урилиб, боши билан йиқилиб тушади. Буни кўрган Қуёнвой қочиб қолади.

(Тулкинисо бошини ушлаб).

Вой, бошим, вой бошим. (Айиқ полвонга қараб), коккан козикдай йулни уртасида нима қилиб турибсан?

(Арча тепасида ҳаммасини кузатиб тўрган Шақилдоқ Қарға гапга аралашади).

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Ҳа, Тулкинисохон ёмон тушдингизми?

(Тулкинисо бошини ушлаб унга бақиради).

ТУЛКИНИСО: Ҳали сен ҳам шу ердამисан Шақилдоқ Қарға? А-ҳа Қуённи огохлантирган сен экансан-да . Ҳа ушанда пишлогинг билан тилингни ҳам еб куйсам бўлар экан. Ҳозир шақиллай олмасдан гулдураб ўтирган бўлар эдинг.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Кар-кар-кар, ажаб қилибман, хўп қилибман. Ҳа мен хабар бердим. Нимага ҳадеб уни кува берасан-а?

(Айиқ полвон гапга аралашади).

АЙИҚ ПОЛВОН: Ҳа, тутри нимага уни изини пойлаганинг пойлаган?

Ахир у сенга ҳеч ёмонлик қилмайди-ку. Кайтага сен билан уйнагиси келади. У сен билан дўст бўлмоқчи.

ТУЛКИНИСО: Эй мени бошимни куп котирмаларинг. Шу вақтгача ҳеч Ким менга дўст бўлишни таклиф қилмаган. Мен ҳозир Қуёнвойга етиб олиб, устимдан қўлишни кўрсатиб куяман.

(Тулкинисо Қуёнвойни оркасидан чошиб чиқиб кетади).

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: (Айиққа) Кар-кар-кар Айиқ полвон Қуёнвойга ёрдам бермасак бўлмайдиганга ухшайди. Тулкинисо Яна уни хафа қилиб юрмасин. Ёрдам берамизми?

АЙИҚ ПОЛВОН: Бупти, бупти ёрдам берамиз дедим-ку!.

(Улар ҳам Тулкинисо ва Қуёнвойни оркасидан кетишди).

ТЎРТИНЧИ САҲНА

(бешинчи куруниш)

Қуён ҳаллослаганча келиб уйига беркиниб олади. Оркасидан чошиб келган Тулкинисо олдидан шошиб келаётган Типратиконни кўрмай қолади ва унга қоқилиб Типратиконни устига йиқилиб тушади. Баданига санчилган ниналар оғриқидан қаттиқ бақириб юборади.

ТУЛКИНИСО: Вой дод, вой дод ёрдам беринглар ҳамма ёғимга тикон кириб кетди.

(Типратикон ҳайрон бўлиб)

ТИПРАТИКОН: Узр, минг бор узр. Ахир мен шошиб кетаётган эдим. Сизни кўрмай қолибман. Бунақа бўлишини ҳеч ҳам хоҳламаган эдим.

ТУЛКИНИСО: Нима, мана сенга.

(Типратиконни уради, кўлига тикон санчилиб огрикдан баттарок бақиради. Уни бақиригини эшитган Қуёнвой уйчасидан отилиб чиқиб нима бўлганлигини англаб етади ва Тулкинисони олдига кўрқиб-кўрқиб боради.

ҚУЁНВОЙ: Тинчлан, Тулкинисо. Ҳозир мен сенга ёрдам бераман. Факат сен кимирламай тур.

Қуёнвой Тулкинисони баданига кирган тиконларни битта-битта териб ташлайди. Бадани огрикдан ҳалос бўлаётганини сезаётган Тулкинисони бақириги секин-аста пасая боради. Ва унга ким ёрдам бераётганини кўриб ҳайрон бўлиб кетади.

ТУЛКИНИСО: Раҳмат сенга Қуёнвой, ҳаммасига ўзим айбдорман. Лекин сен менга ёрдам қилдинг. Мен ахмокни кечир. Энди ҳеч қачон сенга ёмонлик қилмайман.

(Улар оркасидан кириб келган Айиқ полвон ва Шақилдоқ Қарға бу ҳолатни кўриб ҳайрон бўлиб қолишади.)

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: (бирданига) Кар-кар-кар эврика, эврика ўрмонда ҳақиқий мужиза содир бўлди. Тулкинисо Қуёнвойдан кечирим сўради.

(Тулкинисога қараб).

Кар-кар-кар, ахир биз сенга айтган эдик-ку Қуёнвой сен билан дўст бўлмоқчи деб.

АЙИҚ ПОЛВОН Ҳа, ҳа. Энди ишонгандирсан Қуёнвой сен билан дўст бўлмоқчилигига?

ТУЛКИНИСО: (уларга қараб) Ҳа ишондим. Агар Қуёнвой мени кечирса, мен ҳам у билан дўст бўламан. Мен ҳаммаларингни олдида ундан Яна бир марта кечирим сурайман. Уни хафа қилмасликка ва уни алдамасликка сўз бераман.

(секин Қуёнвойни олдига бориб). Қуёнвой мени кечир... кечир хўпми?

ҚУЁНВОЙ: Хўп, хўп кечирдим Тулкинисо. Биз ҳаммамиз сен билан аҳил дўст бўламиз.

АЙИҚ ПОЛВОН: (Тулкига) Ҳаммамиз чин дўст бўламиз.

ШАҚИЛДОҚ ҚАРҒА: Биз бир-биримизни хафа қилмаймиз.

ТИПРАТИКОН: Келинлар дўст бўламиз.

ҲАММАЛАРИ: келинлар дўст бўлайлик!

Чиройли мусиқа жўрлигида ҳаммаси куйлай бошлайди.

Кулни кулга берайлик,
Дўстлик куйин куйлайлик.
Жушиб кувнаб уйнайлик ,
Келинлар дўст бўлайлик.

Кунгиллар олсин таскин.
Гинахонлик бўлмасин,

Калблар янада жушсин,
келинглар дўст бўлайлик
Дўстликда купдир маъно,
тилаклар бўлсин аъло.
Яхши тилак тилайлик,
Келинглари дўст бўлайлик.

ПАРДА